14 yil

Mustaqil O'ZBEKISTON

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

32 (466)

2005 йил 10 август

Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Инсонпарварлик намунаси
▶ Меҳнатдаги ютуқлар — байрамга туҳфа!

3 ▶ Мингтўра оқсоқолнинг турфа иши
▶ Меҳр бирлаштирган одамлар

4 ▶ Футбол — бу жамоавий меҳнат!
▶ "Иккинчи Моний" ким бўлган?

Юртдошларимиз Ўзбекистон Мустақиллигининг 14 йиллик санасини кенг нишонлаш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар

Энг улуғ, энг азиз умуммиллий байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуғ анъанага айланиб қолди.

...Бугунги кунда халқимиз мустақилликнинг моҳияти ва аҳамиятини аввало ўзлигимизни англаш, биз кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканимизни чуқур идрок этиш, миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида яшаш, истиқлол ғояларини юртдошларимиз, хусусан, ёш авлод қалби ва онгига янада теран сингдириш, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг асосий ва муҳим шарти, миллий тараққиётимиз кафолати сифатида қабул қилаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВнинг
"Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қароридан

БОШҚАРУВ РАЁСАТИДА

*13-14 августда умумхалқ ҳашари бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида белгиланганидек, умуммиллий байрамимиз — Мустақиллик кунини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказларида, барча туман, шаҳар ҳамда қишлоқ ва маҳаллаларда уюшқоқлик билан, юксак савияда ўтказиш кўзда тутилган.

Айни пайтда мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида жойларда байрамолди тадбирлари қизғин давом эттирилаяпти. Хусусан, бу борадаги ишларда "Маҳалла" жамғармаси бўлим ва бўлинмалари ташаббуси, қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари иштироки катта аҳамият касб этаяпти.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг раёсат йиғилишида жойларда ана шу байрамолди тайёргарлик ишларининг бориши муҳокама этилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, айни кунларда Мустақиллик байрамини муносиб кутиб олиш ва уни кўтаринки руҳда нишонлашга тайёргарлик ишлари авжида. Шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда кўча, хиёбонларни тартибга келтириш, уруш ва меҳнат фахрийлари, Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари, қаровсиз қолган болалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатиш ишлари кенг миқёсда амалга оширилаяпти. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссиялар кўмагида жойларда мустақилликнинг моҳияти, халқимизнинг истиқлол йилларида босиб ўтган йўли, тарихан қисқа даврда эришилган ютуқлар ҳамда Ватанга садоқат туйғулари билан йўғрилган байрам дастурлари сценарийлари яратиляпти.

Маълумки, ҳар йили Наврўз ва Мустақиллик байрами олдидан юртимизда ободонлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ ҳашарлари уюштирилади. Бу йил ҳам шу анъана такрорланаяпти. Август — ободонлаштириш ойлиги, 13-14 август — умумхалқ ҳайрия ҳашари кунлари деб белгиланди.

МУХБИРИМИЗ

— Яна нима дейди?
— 13-14 август кунлари ҳашарга чиқинг, — дейди.

"ИЛ"НИНГ ЯНГИ АВЛОДИ

Мустақил юрт одимлари

"Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси"нинг учишсинов майдонидан "Ил"нинг яна бир янги авлоди "Ил-76ТД90ВД" кўкка парвоз қилди. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу янги русумдаги самолёт жаҳондаги авиация ишлаб чиқариш корхоналарининг энг замонавий авиаучоқлари билан беллаша олади.

Мазкур турдаги самолётлар яқинда Москва шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро "МАКС — 2005" авиасалонида ҳам намойиш этилади.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

ОВУЛДА ҲАМ БАЙРАМ БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги "Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорида Мустақиллик байрамини нафақат пойтахт шаҳарларда, балки ҳар бир маҳаллада кенг нишонлаш учун алоҳида вазифалар белгиланган.

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикасида ҳам Мустақилликнинг 14 йиллиги байрамини муносиб нишонлаш борасида қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, Тахтакўпир туманида ҳам байрамолди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжида. Бу ерда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича туман ҳокимининг махсус қарори билан комиссия таркиби ва иш-режаси тасдиқланган. Унга кўра туманда байрам тантаналари кунларида кам таъминланган оилалар, уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаш, уларни моддий жиҳатдан рағбатлантириш мақсадида ҳомий ташкилотлар томонидан маблағ ажратилди.

Дарвоқе, Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан туман марказида ўтказиладиган асосий байрам шодиёналари сценарийси ишлаб чиқилди. Унда ҳудуднинг анъаналари, урф-одатлари ва ўзига хос жиҳатлари акс эттирилган. Байрам кунларида жойларда аҳоли хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Бу борада туман Ички Ишлар бўлими ходимлари алоҳида ташаббус кўрсатдилар. Улар тантаналар уюштириладиган жойларнинг харита чизмаларини тайёрлаб, осойишталик чора-тадбирларини белгиладилар.

Шу кунларда байрам тадбирларига сарфланадиган маблағлар миқдорини аниқлаш ва уларни хайрли ишларга йўналтириш масалалари ўрганиб чиқилаяпти.

МУХБИРИМИЗ

Андижон вилояти

ТАДБИРЛАР БОШЛАНДИ

Вилоят марказининг гўзал дам олиш масканларида, оромгоҳларда Мустақиллик байрами муносабати билан оммавий-маданий тадбирлар, кўнгилочар томошалар ташкил этилмоқда.

Бу тадбирларда кўҳна халқ ижодиётининг, миллий маданиятимизнинг намунаси бўлмиш бадиий ҳаваскорлик санъати намоёндаларининг истиқлол йилларида эришган ижодий ютуқлари эл олдидиа яна бир карра намойиш этилмоқда.

Шанба куни Конституция майдонида пахтаободлик ва якшанбада А.Навоий номли истироҳат боғида марҳаматлик бадиий жамоаларнинг чиқишлари ҳаммага манзур бўлди.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Фарғона вилояти

"МАҲАЛЛА ОҚШОМИ" ШУКУҲИ

Данғара туманида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 14 йиллиги байрамига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Шу муносабат билан туман ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўйича алоҳида комиссия ва ишчи гуруҳлари тузилди ва улар раҳбарлигида йўл бўйлари, кўча ва хиёбонлар тозаланиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Маҳалла меҳнаткашларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун "Маҳалла оқшоми" тадбирлари ҳамда "Меҳр қолур, муҳаббат қолур" концерт дастурлари ташкил этилмоқда.

Ушбу тадбирларда туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси, прокуратура, Ички Ишлар бўлими вакиллари иштирок этиб, маҳалла бўйича байрам олдидан қилинган ишларни кузатиш билан бирга тинчлик-осойишталикни сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мавзусида суҳбатлар уюштираяпти.

Мустақиллик байрами олдидан туманда турли мавзуларда кўрик-танловлар ташкил қилиш режалаштирилган.

Қодир ШОДМОНОВ,
"Mahalla" мухбири.

Муносабат: "Пуч миянинг тўқлик даъвоси"

Бухоро вилояти

ХАЛҚҚА ҚАРШИЛАР ХАЛҚДАН ЭМАС

"Пуч миянинг тўқлик даъвоси" мақоласини ўқиб, мустақил тараққий этаётган она Ватанимизга панжа орасидан қараб, унга таъна тошларини отаётган баъзи ғаламис кимсалар: Абдулло Искандар, Шайбон, Бобомурод Абдуллаев, Алимардон Аннаев, Жаҳонгир Муҳаммад, Т.Йўлдошеваларнинг бўҳтону уйдирмалари Ўзбекистон шаънини ёёқости қилиш, халқни чалғитиш, мавжуд конституциявий тузумни ағдаришга қаратилганлигини илғаш мушкул эмас.

Ахир биз қадимдан илму маданияти юксак халқмиз. Қолаверса, эшиттиришда айтилганидек ўзбек халқи энг қашшоқ халқ эмас. Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган мамлакатимизга аҳолининг яшаш тарзига ҳавас қилувчилар кўплаб топилади.

Хоразм вилояти

ҲОЛИНГ НЕДУР, БЎҲТОНЧИ?

"Озодлик" радиоси шу йил 18 июль куни эфирга узатилган "Курултой" эшиттириши ҳақида эълон қилинган "Пуч миянинг тўқлик даъвоси" мақоласи вилоятдаги қўллаб маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан муҳокамага сабаб бўлиб, ўзи туғилиб ўсган, нон-туз берган юртига нисбатан бўҳтон, туҳмат тўла гапларни айтишдан ор қилмаган мунофиқ, разил кимсаларнинг қилмишлари қаттиқ қораланди.

Ҳақли саволлар, талаблар ўртага ташланди: "Нега нотўғри, ҳеч қандай қурақда турмайдиган сўзларни ўялмай, ор қилмай, андишасизларча айтаётган бундай кимсалар қонун олдида жавоб бермайдилар. Қачонгача уларнинг ипи бўш қўйилади? Россия ҳукумати АҚШ телевидениесида нотўғри тарғиботташвиқот учун хорижлик журналистлар аккриддитациясини тўхтатиш ҳақида қарор чиқарди. Нега шундай тартиб бизда жорий қилинмаслиги керак?"

Давоми 2-саҳифада

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотининг энг муҳим вазифаси инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва хусусий ҳаётга аралашишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқи самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида қонунийликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини кучайтириш борасида муҳим ишлар амалга оширилди.

Судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонунан мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса ишларни кўриб чиқиш сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Кассация инстанцияси ислоҳ қилинди: фуқаролар қонуний кучга кирган суд қароридан норози бўлган тақдирда ўз ҳуқуқларини мазкур инстанцияда шахсан ва бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар. Суд процессида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратилди.

Дастлабки тергов муддатлари икки йилдан бир йилгача ҳамда айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатлари бир ярим йилдан 9 ойгача, алоҳида ҳолларда эса 1 йилгача қонун йўли билан қисқартирилди. Шунингдек, ушбу эҳтиёт чорасини қўллаш доираси чекланди.

Қонунчиликни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича юқоридаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши судгача тергов, одил судловнинг тезкорлиги ва сифати ошишини, суд процесси иштирокчилари ҳуқуқларига риоя этилишининг процессуал кафолатлари кенгайишини таъминлади.

Мамлакатда рўй бераётган судгача терговни либераллаштириш далолати сифатида фуқароларни қамоққа олиш тариқасидаги эҳтиёт чорасидан фойдаланиш сўнгги 4 йилнинг ўзида икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштиришнинг энг муҳим вазифаси судгача тергов босқичида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш, энг аввало, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказишдан иборатдир. Ушбу чора фуқароларнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик борасидаги конституциявий ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Шу билан бирга бу шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига ҳам тўла мос келади.

Айни вақтда қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодекслари ва бошқа қонун ҳужжатларига пухта ишлаб чиқилган тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилганидан; бу соҳадаги хорижий тажриба ўрганилганидан; судлар томонидан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий, процессуал механизмлари ишлаб чиқилганидан; суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизими кадрларини тегишлича тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа тайёргарлик тадбирлари ўтказилганидан кейин изчиллик билан амалга оширилиши лозим.

Давоми 2-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ процессуал мажбурлов ораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга босқичма-босқич ва изчил тказилишини таъминлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фуқароларни суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини белгиловчи 19, 25 ва 44-моддаларига мувофиқ:

1. Жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи 2008 йил 1 январдан эътиборан судлар ваколатига ўтказилсин.

Белгилансинки, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия кодексларига, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида»ги қонунларига қамоққа олишга санкция бериш, қамоқда сақлаш муддатларини узайтириш тартиби ва жараёнларини белгиловчи, шунингдек судгача иш юритиш босқичида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, унинг дахлсизлигини таъминлаш борасида қўшимча кафолатларни белгиловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида таклифлар тайёрласин. Шу билан бирга мазкур Фармоннинг 1-бандига мувофиқ нафақат қонунлар ва қонуности ҳужжатлари, балки идоравий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган норма ва нормативлар ҳам қайта кўриб чиқилиши зарур.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, молия, иқтисодиёт, адлия, ички ишлар вазирликлари, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси икки ой муддатда қамоққа олишга санкция бериш бўйича прокуратура органларининг ваколатлари судларга ўтказилишини ҳисобга олиб, умумий юрисдикция судларини ташкилий-кадрлар жиҳатдан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид таклифлар тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси адлия, ички ишлар вазирликлари, Олий суди, Бош прокуратураси, Миллий хавфсизлик хизмати суд қарорига биноан қамоққа олиш тартиби жорий этилиши муносабати билан судьялар ҳамда прокуратура органлари, ИИВ ва МХХ тергов бўлинмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

5. Ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг муҳокамасига киритилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Худайбергенов зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 8 август

Фармон моҳияти

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1977 йил 8 декабрда қабул қилинган резолюциясида ўлим жазоси борасида кўзда тутиладиган асосий мақсад, бундай жазони бекор қилиш эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, ўлим жазоси қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар миқдорини янада камайтириб боришдан иборат бўлмоғи лозимлиги қайд этилган.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар, хусусан, ўлим жазоси билан боғлиқ жараён замирида ҳам ана шундай мақсад мужассам. Шу маънода Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати жаҳонда кечаётган жараёнларга тўла мос, Ўзбекистон Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўла акс эттиради.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, бинобарин, инсонга, унинг Парвардигор ато этган ҳаётига ҳамиша буюк неъмат сифатида қараб келган халқимизнинг маънавий қадриятлари ҳам шуни тақозо этади.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам мазкур масалага алоҳида эътибор қаратиб, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган муҳим масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир, деб таъкидлаган эди.

Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 1 августда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони бунинг амалий ифодаси бўлиб, инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан илиқ кутиб олинди.

— Собиқ Иттифоқ даврида ўлим тариқасидаги фавқулодда жазо миқдори анча катта эди, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси Норқувват Янгибоев ЎзА мухбирига. — Айниқса, қатағон даврида бу жазо, ҳатто судсиз — ҳар хил «учликлар» ва бошқа репрессив тузилмалар томонидан ҳам қўлланилган. Аянчлиси, бундай репрессив тузилмалар томонидан қатл этишга маҳкум этилган шахсларнинг ҳаммаси ҳам бу жазога лойиқ бўлмаган. Зеро, собиқ тоталитар тузумда инсон ҳаётининг қадри бўлмаган.

Элимизнинг етук фарзандлари турли туҳмат ва бўҳтонлар остида қатағон қилинганию, уларга нисбатан чиқарилган ўлим жазосига оид ҳукм ижро этилиб, кейин айбсизлиги учун оқлангани ҳақида қанчадан-қанча аччиқ мисоллар келтириш мумкин.

Фақат истиқлол шарофати билан юртимизда инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқи олий қадрият даражасига кўтарилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жиноят қонунчилигининг инсон манфаатларига хизмат қилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар жамиятимиз моҳитини соғломлаштиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Бир мисол. 2001 йилда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида амалга оширилган янгиликлар, жумладан, халқимизнинг кечиримлилик ва инсонпарварликка асосланган қадриятларини ўзида мужассам этган ярашув институти жорий этилганидан буён 30 мингдан ортиқ фуқаро судланишдан асраб қолинди.

Президентимизнинг номи зикр этилган Фармони юртимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг яна бир амалий натижасидир. Чунки, халқаро миқёсда ҳамон баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган, аммо инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг узвий бир қисми саналган ўлим жазосини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиш осон иш эмас. Бунинг учун жамият ва фуқароларни мазкур масалага ҳар томонлама тайёрлаш ҳамда бошқа зарур чора-тадбирларни амалга ошириш талаб этилади.

Диққатга сазовор жойи шундаки, мамлакатимизда ўлим жазосини қўллашнинг босқичма-босқич камайтирилиши ва ниҳоят уни қўллашдан бутунлай воз кечилиши суд-ҳуқуқ тизимини, жиноий жазоларни либераллаштириш борасида амалга оширилаётган жараёнларнинг муҳим йўналиши бўлди. Эътибор беринг, мустақилликка эришган пайтимизда жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўлим жазосини назарда тутувчи 30 дан ортиқ моддани ўз ичига оларди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида бундай моддалар сони 1994 йилда — 13, 1998 йилда — 8, 2001 йилда эса 4тагача камайтирилди. Ҳозирги вақтда, 2003 йилда жиноят қонунчилигини либераллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилгандан сўнг, фақат икки турдаги жиноят — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун ўлим жазоси назарда тутилади. Содир этилган жиноятнинг оғирлигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларида вояга етмаганларга, хотин-қизларга ва ёши олтмишдан ошган шахсларга нисбатан ушбу турдаги жазони қўллаш тақиқланган.

Шу ўринда айтиш жоизки, қонунчилигимизда ўлим жазоси мавжуд бўлса-да, судлар ушбу жазони жавобгарликни оғирлаштирувчи алоҳида ҳолатлар ва шу билан бирга айбдорни жамият учун мутлақо хавфли бўлган шахс сифатида тавсифловчи маълумотлар тақозо этган тақдирдагина қўллайди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги пленуми қарорида, судлар шуни назарда тутишлари лозимки, қонун жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятига нисбатан ўлим жазосини қўллашга йўл қўяди, аммо албатта шу жазо қўлланилишини талаб этмайди, деб алоҳида таъкидланган.

Жамият ва давлат ҳаётини демократик андозалар асосида янгилаш, мамлакатни модернизация қилиш борасидаги ислоҳотларнинг моҳияти ва мазмуни, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижалари жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилинишини ҳамда уни умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси билан алмаштирилиши зарурлигини тақозо этаётгани мамлакатимизда бу борадаги ишлар изчил олиб борилгани ва бунинг учун вазият етилганидан далолатдир.

Фармонга мувофиқ, 2008 йил 1 январдан эътиборан ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида қилинган ва қилинаётган ҳаракатларнинг моҳиятини тушунтириб беришни, жиноий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан ўлим жазосини бекор қилиш заруратини фуқароларимиз онгу шуурига сингдиришни тақозо этади.

Тегишли ташкилот ва идоралар, жумладан, судлар томонидан Фармонда қўйилган вазифаларни бажариш борасида зарур чора-тадбирлар белгиланиб, уларни изчил амалга оширишга киришилгани мазкур ҳужжатнинг юртдошларимиз томонидан катта хайрхоҳлик билан кутиб олинганидан яна бир далолатдир.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

Мурожаат ва муносабат

ОҚ МАЧИТДА ОБИҲАЁТ МУАММОСИ ҲАЛ БЎЛАДИ

бу муаммони Учтепа тумани ҳокимлиги ва "Сувсоз" бошқармаси ҳамкорликда бартараф этмоқда

Таҳририятга пойтахтнинг Учтепа туманидаги Оқ мачит маҳалласи фуқароларидан ёз ойларида маҳаллада сув таъминотида танқислик бўлаётгани ҳақида шикоят мактуби келганди. Биз ушбу мурожаат юзасидан чора-тадбирлар белгиланишига умид боғлаб шикоят мактубини Учтепа тумани ҳокимлигига йўллагандик. Бу масала юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб хатини олдик:

"...Учтепа тумани Сув тармоқлари бошқармаси ходимлари томонидан Оқ мачит маҳалласидаги сув танқислиги ҳолати ёз ойларида сув босими пасайиши, катта ҳажмдаги сув қувурлари яроқсиз аҳволга келгани оқибатида юзага келганлиги аниқланди. Маҳаллада фуқаролар мурожаат муҳокамасига бағишланган йиғилишда ушбу ташкилот раҳбари З.Абдуллаев қатнашиб, юқоридаги муаммоли ҳолат юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланиб, мутахассислар уни бартараф этишга киришишганига маҳалла аҳлини ишонтирди. Сув танқислиги айниқса, сезиларли бўлган Атоий номли 5-тор кўчадаги сув қувурларини янгиларига алмаштириш ишларини келаси йилда амалга ошириш режалаштирилган.

Айни кунларда ушбу ҳудудда янги насос станцияси ишга туширилиши кутилмоқда. Ўз ўрнида аҳоли ўртасида ҳаётимизнинг асосий манбаи бўлган сувни тежаб-тергаб ишлатиш ва сув ўлчагичлардан фойдаланиш борасида тарғибот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

А.ИНОЯТОВ,
Учтепа туман ҳокимининг биринчи ўринбосари".

Байрамолди тадбирлари

ПОЙТАХТДА "МАҲАЛЛА КУНЛАРИ"

Айни кунда юртимиз Мустақиллигининг 14 йиллик байрамини муносиб кутиб олиш учун республикамизнинг барча ҳудудларида тайёргарлик ишлари авжида. Маҳаллаларда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунёдкорлик кайфиятида ишлаб яшаётган юртдошларимиз ўзларининг меҳнатдаги ютуқларини ўз маҳалладошларига байрамолди туҳфаси сифатида тортиқ этишга интилмоқдалар.

Айни кунларда пойтахтимизнинг ҳар бир туманида ўтказилаётган "Маҳалла куни" байрам тадбирларида ҳам кўтаринки, байрамона кайфиятдаги маҳалладошларнинг тадбиркорлар фаолияти, маҳаллаларнинг турли йўналишдаги муваффақиятларидан ҳикоя қилувчи кўргазмаларни, санъаткорларнинг чиқишлари ва театрлашган томошаларни катта қизиқиш билан томоша қилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Яқинда ана шундай тантанали тадбирлардан бири Сергели туманидаги Усмон Носир номли маданият ва истироҳат боғида тумандаги қирқдан ортиқ маҳалла йиғинлари ходимлари, фаоллари ва аҳолисини бир даврага йиғди. Ўз ишига фидойи ходимлар, маҳалладошлар ва тадбир меҳмонлари байрам дастурхони атрофида мазмунли суҳбат қурдилар, санъаткорларнинг қўшиқ-куйларидан баҳраманд бўлдилар. Тадбирда "Энг ибратли оила", "Энг обод маҳалла" кўрик-танловларининг туман босқичлари ғолибларига "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси Фахрий ёрлиғи ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди.

"Маҳалла куни" байрам тадбири барчада катта таассурот қолдирди.

Бу каби тадбирлар пойтахтнинг бошқа туманларида ҳам давом этмоқда.

* * *

Шанба куни Учтепа туманидаги Акмал Икромов номли истироҳат боғида ҳам ана шундай байрам тадбири ўтказилди. Унда тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ходимлари, фаоллари ва бошқа меҳмонлар қатнашди.

Тадбирда маҳаллалар ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилди. Унда маҳаллалар ҳудудида фаолият олиб бораётган тадбиркорлар ўзлари ишлаб чиқараётган ҳунармандчилик, қандолатчилик, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда амалий санъат намуналари билан иштирок этган бўлса, фуқаролар йиғинлари ходимлари ҳудудда олиб борилаётган ибратли ишларни суратли лавҳаларда жонлантирдилар. Шунингдек, спортнинг шахмат-шашка, тош кўтариш, якка кураш тури бўйича ҳам беллашувлар ўтказилди.

Байрам тадбирида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан эълон қилинган "Энг ибратли маҳалла оқсоқоли", "Энг фаол маҳалла оқсоқоли", "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси" каби анъанавий кўрик-танловларнинг туман босқичи ғолиблари тақдирланди.

Ғолибларга совғаларни Учтепа тумани ҳокими Қобилжон Накибов ва "Маҳалла" жамғармаси вакиллари топширдилар.

МУХБИРИМИЗ

Сирдарё вилояти

ЖАМҒАРМА БЎЛИМИ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

"Маҳалла" жамғармаси Сирдарё вилояти бўлимининг навбатдан ташқари конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида ташкилий масала кўрилди.

Унда жамғарманинг вилоят бўлими бошқаруви раиси вазифасида ишлаб келаётган Абдурауф Абдураҳмонов пенсияга чиқиши муносабати билан вазифасидан озод этилди.

Йиғилишда Республика деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси Сирдарё вилояти вакиллиги директори лавозимида ишлаган Шовқиддин Мирзаев вилоят Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси этиб сайланди.

Конференцияда Сирдарё вилояти ҳокими А.А.Жалолов, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви раиси А.Г.Гадойбоевлар иштирок этди.

МУХБИРИМИЗ

НУРОНИЙ ОТАХОНЛАР МАСЛАҲАТИ — ХАЙРЛИ ИШЛАРИМИЗНИНГ БОШИ

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Муносабат: "Пуч миянинг тўқлик даъвоси"

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

ХАЛҚҚА ҚАРШИЛАР ХАЛҚДАН ЭМАС

Ўйлаб кўрайлик, биргина фермерларимиз томонидан етиштирилган ғалла бутун халқнинг қорнини тўқлашга, пахта эса устини бутлашга етиб ортади. Қанчадан-қанча ерости бойликларимиз заҳирада. Ўзбекистондан қазиб олинаётган олтин сифати бўйича дунёда етакчилардан ҳисобланади. Шундай экан, халқимизни қандай қилиб энг қашшоқ халқ деб аташ мумкин?

Шунингдек, ўша эшиттиришда Андижон воқеалари сохталаштирилиб, "Андижонда ҳам қўзғалган халқ эди" дейди Ж.Муҳаммад. Наҳотки бу туҳматга халқимиз лаққа тушиб қолаверса? Андижонда қўлида снайпер, автомат, тўппонча билан қўзғалганлар ким эканлигини халқимиз аллақачон англаб етди. Ватанимиз шаънига, халқимиз обрўсига путур етказаётган сафсатабозларнинг қилаётган нияти ҳам бугун барчага аён. Ватан, халқ олдида ҳеч қандай хизмати йўқ уларнинг. Шундай экан, мақолада қайд этилганидек бу ғаламисларнинг халқ номидан, миллат номидан гапиришга ҳам ҳаққи йўқ.

Тўра БОБОМУРОДОВ,
Бухоро шаҳридаги Ф.Хўжаев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, педагогика фанлари номзоди, доцент.

Бу каби саволларга жавоб бериш пайти келди. Туҳматлари ва ҳақоратлари учун ўша мунофиқлар одил суд олдида жавоб беришлари керак, деган фикр жуда тўғри. Бўш қоп тик турмайди. Худди шунингдек, қуруқ гап ҳам қулоққа ёқмайди. Мен ўзбек халқини қўйга, балиққа ўхшатган, ўз халқини ҳақоратлаган бу ғаламислар ким экан деб кўп ўйламадим, чунки воҳамизнинг суюкли шоири Матназар АБДУЛҲАКИМнинг бир шеърида бунга тўла-тўкис жавоб олганман. Ўзларининг пуч, бўш мияларига тўқлик даъво қилаётганлар бу шеър мағзини бир чақиб кўрсинлар:

Мен ғавғодан толган бир одам,
Банди бўлдим тағин ҳайратга.
Сен бир итсан зоти вафосиз,
Тишларингни элга қайратган.

ҲОЛИНГ НЕДУР, БЎҲТОНЧИ?

Нафратимга қорилар ғазаб,
Ғазабимга нафрат йўғрилар.
Гижгижлади каззобар сени,
Сени олқишлади ўғрилар.
Энди карахт аланглайдирсан,
Қулоқларинг аянч ҳолдан динг.
Эҳ, шўрлик ит, фаҳмсиз лайча,
Бир парча гўшт билан алдандинг.
Ўтаётган бу оғир карвон
Кўрган сендай неча минг-мингни,
Ишлатасан каллани эмас
Ё тишингни ёки думингни.
На қополдинг, на ҳура билдинг
Акилладинг чорасиз халос.
Нафратимни қайтиб оламан,
Ғазабимдан кечаман мен воз.
Сенга ғазаб ҳайфдир, нафрат ҳайф!
Ерда ётган матохмас юрак.
Келиб-келиб сен учун энди
Нега мен ғам чекишим керак?!
Пешонангга кулфат ёрлиғин
Бугун тақдир ўзи михласин.
Одамман — куламан ҳолингга
Маймунлар ҳолингга йиғласин.

Менимча, бу бўҳтончилар бундан кейин эл орасида ўзининг ҳоли не кечишини ўйлаб кўрса бўларди.

Рустам ҚУТЛИМУРОДОВ,
Хоразм вилояти Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси.

Фарғона вилояти

Саламатмисиз, маҳалладош?

БАЙРАМДА ПУНКТЛАР ИШГА ТУШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармони юртимиз аҳолиси саломатлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу Фармон бўйича кўп босқичли тиббий хизмат тизимидан икки босқичли тизимга ўтилиши аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифат ва самарадорлигини оширди.

Бизнинг Тошлоқ туманида 146 минг 200 нафар аҳоли истиқомат қилади. Улар саломатлигини сақлаш учун ҳозирги кунда 16 та қишлоқ врачлик пункти, 3 та поликлиника, сил касалликларига қарши курашиш диспансери, 20 та бўлимга эга бўлган марказий шифохонада 153 нафар ва 1354 нафар шифокор ўрта тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатмоқда.

Кейинги йилларда тумандаги 30 та фельдшер-акушерлик пунктлари ўрнида 16 та қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Заркент, Қумариқ, Варзак қишлоқ врачлик пунктлари ишлай бошлади.

Меҳнатобод, Қумариқ, Қўрғонча қишлоқ врачлик пунктлари туман ҳокимлиги ва маҳалла фуқаролар йиғинлари кўмагида ҳашар йўли билан қайта қурилиб, ишга туширилди. Яккатут қишлоғидаги 2-сонли терапия бўлими ҳомийлар маблағи ҳисобидан қайта таъмирланди ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Туманимиздаги сил касалликларига қарши курашиш диспансерига 2 миллион сўм маблағ ажратилиб, у қайта таъмирдан чиқарилди ва жиҳозлар билан таъминланди.

Ҳукуматимиз қарорлари асосида туманда "Бехатар оналик" туғруқ мажмуаси ташкил қилинди. Ушбу мажмуани таъмирлаш ва жиҳозлаш учун туман ҳокимлиги томонидан 5 миллион сўм маблағ ажратилди. Марказий поликлиника қошида "Саломатлик — 2" лойиҳаси асосида Репродуктив соғломлаштириш маркази ишга туширилди ва унда ўқув машғулотлари олиб бориш учун алоҳида хоналар тўлиқ жиҳозланди.

Тумандаги 15 та қишлоқ врачлик пункти Жаҳон банки маблағи ҳисобидан тўлиқ тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди ҳамда уларда аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун шарт-шароитлар яратилди.

Ҳозирги кунда туман ҳокимлигининг бевосита раҳбарлигида ширкат ва фермер хўжаликлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари маблағлари ҳисобидан ҳашар йўли билан Ўч олиш, Жарқишлоқ ва Конизар маҳаллаларида қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши олиб борилмоқда. Бу даволаш муассасаларини Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

Рўзиматжон ШЕРМАТОВ,
Тошлоқ тумани марказий шифохонаси бош шифокори.

Малакали геронтологлар нуроний кексалар хизматида



Самарқанд вилояти

ҲАМ ШИФОКОР, ҲАМ ФИДОКОР

Самарқанд шаҳридаги Ғафур Ғулом номли маҳалла ҳудудида жойлашган 12-поликлиника шифокори Сафия Йўлдошевани маҳалла аҳли нафақат ўз соҳасининг тажрибали мутахассиси ва малакали шифокор, балки ташкилотчи аёл сифатида ҳам қадрлашади. Шифо маскани жамоаси Сафия опани поликлиникининг хотин-қизлар кенгашига раис этиб сайлаганларида унинг айни шу ҳислатларини ҳам ҳисобга олган эди.

С.Йўлдошева ушбу жамоатчилик иши масъулиятини юксак баҳолайди. Чунки маҳаллаларга чиқиб хотин-қизлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишда, она ва бола саломатлигини таъминлашга қаратилган турли тадбир ва суҳбатлар ўтказишда албатта, жонбоз, ҳурмат-эътиборли аёллар кўмагига таяниш жоиз. Бу вазифа Сафия Йўлдошева бошчилигидаги бир гуруҳ фаол шифокор аёллар зиммасида.

— Яқинда Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан поликлиникамиз ҳамда 3-туғруқхона шифокорлари ҳамкорликда маҳалла хотин-қизлари билан катта мулоқот тадбирини ташкил қилдик, — дейди Сафия опа. — Унда энг долзарб масалалардан бири бўлган она ва бола саломатлиги хусусида сўз борди. Шунингдек, турмуш қуриш арафасида бўлган қизларга никоҳдан олдинги тиббий кўрик моҳиятини тушунтирдик.

Дарвоқе, Сафия Йўлдошева маҳалла фуқаролар йиғини идорасида ҳам тез-тез бўлиб туради. У йиғин ходимлари ва фаолларига "Сиҳат-саломатлик йили" дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда кўмаклашади, хайрли ишларга бош қўшади. Зеро, Сафия опанинг энг катта мақсади — соғлом жамият бунёд этишда ўзининг беминнат ҳиссасини қўшишдан иборат.

Очила РЎЗИЕВА,
Ғафур Ғулом номли маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси маслаҳатчиси.

Бухоро вилояти

ШЕРБУДИНДА ДАВРА СУҲБАТИ

Бугунги кунда жойларда ишсизлик муаммоси мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Хусусан, хотин-қизлар ўртасида бу ҳолат кўпроқ кўзга ташланади. Шу боис жойларда ишсизликнинг олдини олиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги муаммоларни ҳал қилиш давлат ва жамоат ташкилотлари, кенг жамоатчилик олдидаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу ерда бўлиб ўтган тадбирда ишсизлик муаммоси ҳақида сўз юритилди

Яқинда вилоятда бўлиб ўтган мамлакат миқёсидаги давра суҳбатида шу хусусда сўз борди. Тадбирда "Маҳалла" жамғармаси, Республика Тадбиркор аёллар уюшмаси, Жаҳон Банки ва бир қатор давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбир иштирокчилари вилоятдаги ва Бухоро шаҳридаги маҳаллалар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Уларнинг иш тажрибасини ўргандилар.

Шербудин маҳалласига вилоят сув хўжалиги бошқармасининг эски биноси ажратиб берилган эди. Унинг атрофидаги икки гектар ер ҳам маҳалла ихтиёрига ўтди. Маҳалла фаоллари бу ерда "Оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш маркази"ни ташкил қилишди. Марказда хотин-қизларга зардўзлик, тикувчилик ҳунари сирлари ўргатилмоқда. Шу билан бирга улар бу ерда боғча-яслилар, касалхоналар учун чойшаблар ва бошқа эҳтиёжталаб буюмлар тикиб моддий манфаат кўрмоқдалар. Иш сифатли бажарилаётгани боис, буюртмалар кўп.

Яна бу ҳудудда спорт мажмуи, боғ, маиший хизмат шахобчалари бунёд этилган. Маҳалла оқсоқоли, маслаҳатчилари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, ҳуқуқшунос, тиббиёт ходими, посбон, шаҳар бандлик бўлими ходими учун алоҳида хоналар ажратилган.

Работи қалмоқ қишлоқ фуқаролар йиғини биносида ҳам ижтимоий ҳимоя маркази ташкил қилинган. Бу ерда касб ўрганаётган, ишлаётган аёлларнинг фарзандлари учун ихчамгина боғча-ясли ҳам бор.

Бу қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳар бир хонадоннинг паспорти ташкил қилинган. Кимнинг қаерда юргани, қандай вазифада ишлаётгани ёки ишсиз эканлигини шу паспортдан кузатиб, зарурий чоралар кўрилади. Махсус дастурда оммавий, тарбиявий ишларнинг қачон ва кимлар билан бажарилиши аниқ кўрсатилган. Ҳокимлик йиғин фаолиятига доимо кўмаклашиб келади. Хусусан, йиғиннинг компьютер билан тақдирланиши, маданият фуқаролар йиғини биносини таъмирлаш ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий мадад кўрсатиш учун фуқаролар йиғини ҳисоб рақамига 17 миллион сўм маблағ ўтказилиши ҳокимликнинг катта ёрдами бўлди. Вилоятда ширкатлар тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан қатор маъмурий бинолар бўшаб қоляпти. Бу бинолар қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари ихтиёрига ажратиб берилмоқда.

Бухородаги давра суҳбатида ана шу тажрибалар атрофлича муҳокама этилди ҳамда уларни бошқа вилоят маҳаллаларида оммалаштириш хусусида аниқ таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Абдулла САФОЕВ

Маслаҳатчилар фаолиятидан

Қашқадарё вилояти

"АЁЛ ВА ҲУҚУҚ"

Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номидаги вилоят мусиқали драма театри биносида қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари учун "Аёл ва ҳуқуқ" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман иштирокчилари аёл ҳуқуқи, оилада тиббий маданият ва ҳуқуқий саводхонлик, маънавий-ахлоқий тарбия хусусида турли хил аҳамиятли фикр-мулоҳазалари билан муаммоларга ечим изладилар.

Шунингдек, анжуман доирасида ўтказилган "Аёл ва ҳуқуқ" кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолибларига дипломлар, эсдалик совғалари топширилди.

Қ. ЭГАМБЕРДИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Андижон вилояти

ИТТИФОҚ ҒАЛАБА ҚИЛДИ

Пахтаобод тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир кўрик-танлов шаклида бўлиб, унда тумандаги маҳалла маслаҳатчилари бир йил давомида олиб борган фаолиятлари, билим ва салоҳиятларини синовдан ўтказдилар.

Тумандаги Пахтаобод, Пахтакор, Иттифоқ, Маданият, Бўстон, Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғинларида фаолият юритувчи 66 та диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиларининг 6 та ҳудудга бўлинган ҳолда ўзаро беллашуви чин маънода байрамга айланиб кетди. Тадбирга тумандаги фаол хотин-қизлар, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари, маҳалла оқсоқоллари, туман ҳокимлиги раҳбарлари ташриф буюрдилар.

Танлов Низомига кўра гуруҳлар биринчи шартда ўз фаолиятларига доир савол-жавоблар асосида беллашдилар. Яъни, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, уларнинг жойлардаги ижроси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари, хотин-қизларларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар, шунингдек, маслаҳатчи вазифаси, ҳужжат юритиш тартиби, оилавий низоларни бартараф қилишдаги ҳаракатлари юзасидан билдирилган саволларга жавоб бердилар. Иккинчи шартда қайнона-келин муносабатлари, қизларни эрта турмушга узатиш муаммолари, қаровсиз ташлаб қўйилган ўсмир фожеаси, қариндошларнинг қуда бўлишлари оқибатлари ва ногирон фарзанд туғилиши, гиёҳвандлик муаммоси акс эттирилган саҳна кўринишларини намойиш этдилар. Учинчи шартда эса сардорлар беллашдилар.

Кўрик-танлов натижаларига кўра Иттифоқ маҳалласи фуқаролар йиғини маҳалла маслаҳатчиларидан иборат "Иттифоқ" гуруҳи ғолибликни қўлга киритдилар. Ғолиб жамоа туман ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотларнинг "Фахрий ёрлиғи" ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Феруза ОРИПОВА,
журналист.

Қорақалпоғистон Республикаси

Тўрткўл шаҳридаги А.Навоий номли маҳаллада хотин-қизлар ўртасида ишсизликни бартараф этишга эришилаяпти. Бунда маҳалла фуқаролар йиғини раиси Олтин Сабурованинг хизмати катта. У маҳалла қошида тикув цехи ташкил этиб, бир гуруҳ аёлларни ишга жалб қилган.
СУРАТДА: *О.Сабурова (ўнгдан биринчи) тикув цехида.*
Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Тошкент шаҳри

Фаолиятга назар

МАҲАЛЛАДА МЕҲР БИРЛАШАР

Ташқаридан қараганда, маҳалла турли касбдаги, турли ёшдаги одамларнинг бир-бирини тушуниб, бир-бирини қабул қилиб умргузаронлик қиладиган маскан. Аммо маҳалланинг вазифаси ундан кенгроқ.

Юнусобод туманидаги Янги ҳаёт маҳалласи йиғинига ташаббускор инсон Одил Юсупов бошчилик қилади.

— Маҳалла аҳолиси тўрт минг нафардан ортиқроқ, — дейди оқсоқол. — Уларнинг аксарият қисми кўп қаватли уйларда истиқомат қилишади. Тан олиш керак, бир пайтлар кўп қаватли уйларни фақат томи бирлаштириб турарди, қўшнилар бир-бирини танимас ва кези келганда бир-бирларини қўллаб-қувватлаш ҳақида қайғурмас эдилар. Шу боисдан ҳам ана шундай кўп қаватли уйлар олдидаги бир парча ерлар ҳам қаровсиз ётар, йўлакларда ахлат уюмлари нохуш манзаралар ҳосил қиларди. Айни пайтга келиб эса маҳалламизда ўтказилаётган тадбирлар фуқароларни бирлаштирмоқда.

Таъкидлаш жоиз, маҳалла оқсоқолининг ташкилотчилиги билан ҳудудда кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, маҳаллани тоза-озода сақлаш, йўлакларни ва болалар ўйингоҳларини қайта таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Сўнгги икки йил мобайнида 40 дан ортиқ тадбирлар ўтказдик, — дейди Одил ака сўзини давом эттириб. — Гап тадбирнинг сонида эмас, унинг халқимизга, маҳалламизга тегадиган фойдасида.

Ҳар бир маҳаллада ўтказиладиган тадбирлар даражаси, савияси ўша ҳудуд бошчисининг дунёқараши, тафаккури билан боғлиқ. Маҳалла оқсоқоли Одил Юсупов иқтисод фанлари номзоди, доцент. Ички ишлар вазирлиги академияси, Президент девони ҳузуридаги ижтимоий қурилиш академияси ва бошқа нуфузли ташкилотларда ишлаган. Маҳалла идораси билан битта бинода жойлашган маҳалла милиция таянч пункти фаолияти билан танишиб, профилактика инспекторларининг маҳаллада яшайдиган ҳар бир хонадонни яхши билиши, маҳалла билан ҳамжиҳатликда самарали иш олиб борилаётганидан хабардор бўлдик.

Илҳом ЖУМАНОВ

Сурхондарё вилояти

МИНГТЎРА ОҚСОҚОЛНИНГ ИБРАТИ

Олтинсойлик Мингтўра Қодировнинг асл касби тарихчи — ўқитувчи, иқтисодчилик ихтисосига ҳам эга. Ёши олтмиш бешда. У етти йилдирки Олтинсой туманидаги Дўғоба қишлоқ фуқаролар йиғинини бошқаради. Дўғобада йигирма бир минг нафар фуқаро ўн беш қишлоқда истиқомат қилади. Улар саккизта маҳаллани ташкил этади. Тўрт минг етти юз оилага бирлашган. Мингтўра аканинг ташаббуси билан ҳудуддаги Сайроқ, Овчи, Хидиршо, Дўғоба, Икраз, Каптархона, Шакарқамиш, Яккабут маҳаллалари йилдан йилга обод бўлмоқда, кўркамлашмоқда.

Қишлоқ йиғинининг умумий ер майдони беш минг икки юз қирқ тўққиз гектар. Унинг қирқ олти ярим километрига тоза ичимлик суви учун қувур ётқизилган. У ўн олти артезан қудуққа уланган. Ичимлик сувини бир жойга йиғадиган корхона ҳам мавжуд. Қишлоқ инфратузилмаси ривожланиб бормоқда. Бир шифохона, бешта қишлоқ ҳакимлик амбулаторияси, тўртта фельдшер-доялик пунктида аҳолига тиббий хизмат кўрсатилаётган бўлса, тўққизта умумий ўрта мактаб, битта касб-ҳунар коллежида меҳнаткашларнинг беш минг юз нафар ўғил-қизлари таълим-тарбия олмоқда.

Ўтган йили Заркамар, Шакарқамиш қишлоқларига табиий газ қувурлари тортилди. Икки юз қирқ хонадонда зангори олов ёнди. Икраз маҳалласида 2 километр, Каптархона маҳалласида 1,5 километр ички йўлга шағал ётқизилди. Бу ишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги туфайли қишлоқ йиғини ҳудудидаги йўлларнинг етмиш фоизи равон, таъмирланган. Каптархона маҳалласидаги қабристоннинг атрофи сим тўр билан ўраб олинди. Ери зах бўлганлиги учун зовур қазилди. Яна бир гектар ер ажратилди.

Мингтўра ака қалби меҳр-муҳаббатга тўла инсон. У одамлар қувончига шерик, қайғусига ҳамдард. Маҳалла оқсоқолларини ҳам шундай меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Буни қишлоқдаги кам таъминланган, ночор оилалар ижтимоий ҳимояга олинганлигидан ҳам билса бўлади. Бир юз ўттиз нафар уруш фахрийлари етмиш учта боқувчисини йўқотган ва ўн тўққизта якка-ёлғизларни "Олтинсой", "Сайрак", Холиқ Қосимов номли ширкат хўжаликлари оталиққа олган. Бетоб бўлганларга дори-дармон бепул берилади, моддий ёрдам кўрсатилади. Бунинг учун хўжаликлар ҳисобидан, етарлича маблағ ажратилади. Бу ишда "Шукрулло" фермер хўжалиги раҳбарининг ҳам хизмати мақтовга лойиқ.

Дарвоқе, Мингтўра Қодиров ёшлигидан чорвага ишқибоз. Ўзи мол боқади, бўш вақтини фермасида ўтказади. Ҳозир унинг хўжалигида йигирма бешдан ортиқ соғин сигири бор. Қизиғи шундаки, говмишларининг кўпчилиги қишлоқдошлари қўлида. Чорваси йўқ хонадонларга тарқатиб берган. Соғиб сутидан, қатиғидан фойдаланишади улар. Мингтўра ака бунинг учун пул талаб қилмайди. Акасинча, қорамолларга ем-ҳашакни ўзи етказиб беради.

Дўғоба қишлоғи кўркам масканлар, сўлим боғ-роғлардан иборат. Шундай бўлсада, маҳаллаларни кўкаламзорлашириш, дарахтзорларни кенгайтириш иши ҳар йили изчил давом эттирилади. Бу йилги баҳор ҳам қизғин меҳнат билан ўтди. Саксон уч минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди, кўкартириб олинди. Ўттиз олти километр ички ариқ-зовурлар қазилиб, сув йўллари равонлаштирилди.

Ҳа, Дўғоба қишлоқ фуқаролар йиғинида бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса арзийдиган хайрли ишлар бисёр. Энг асосийси, бу ишларга маҳаллалар бош-қош. Айни пайтда йиғин ҳудудида Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги байрами олдидан ободонлаштириш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

КЎЗА КУНИДА СИНАДИ

Лимвура вилоятида (Голландия) полиция ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ кишини ушлади.

Текшириш пайтида маълум бўлишича, 89 ёшли бу қоидабузар ҳайдовчи 70 йилдан бери ҳеч қандай гувоҳномасиз машина рулини бошқариб келган экан. Полициянинг фикрига кўра, бу Нидерландияда ҳайдовчилик гувоҳномасисиз машина ҳайдашдаги рекорд натижадир. Буни қарангки, шу 70 йил мобайнида қария бирор марта ҳам кўча ҳаракати қоидасини бузмаган экан.

ҒОЗЛАР ҚАМОҚХОНАНИ ҚЎРИҚЛАШМОҚДА

Бразилиянинг Риу-Грандиду-Сул штатидаги Санта-Мария шаҳрида маҳаллий ҳокимият ходим етишмаслиги туфайли қамоқхона назоратчилари сифатида ғозлар хизматидан фойдаланишмоқда.

Олтита ғоз икки йилдан бери шаҳар қамоқхонасининг ички ҳовлисида кузатувчилик постида турибди. Улар сезгирликда анча олдинда экан, соқчиларга қараганда. Чунки бир сафар қоронғудан фойдаланган беш маҳбуснинг қочмоқчи бўлганлигини сезиб қолган қанотли кўрикчилар шовқин-сурон кўтарганлар. Ғозлар тўполонига етиб келган соқчилар қочмоқчи бўлган маҳбусларни тутиб олганлар.

Ҳа, ғозлар ҳозирча ўз зиммаларидаги муҳим вазифани шу йўсинда ҳалол бажаришмоқда.

САДОҚАТЛИ ДЎСТҒА ЁДГОРЛИК

Баварияцина Бад Киссинген шаҳарчасида яшовчи Эдит Виммелнинг Кимба деган ити бир неча маротаба жасорат кўрсатгани учун ўлимидан сўнг унинг хотирасига ёдгорлик ўрнатилди.

Кимба аслида чихуахуа наслига мансуб митти зотдор кучуклардан. Унинг бўйи атиги 20 сантиметр, оғирлиги эса 200 грамм. Бироқ шундай бўлишига қарамай, у беш кишини ёнғиндан асраб қолган. Аммо ўзи ёнғинда қолиб ҳалок бўлган. Шунинг учун жониворларни ҳимоя қилиш жамияти у ҳалок бўлган жойга ёдгорлик ўрнатишга ва унга "Кимба беш кишини ўлимдан қутқарди" деган сўзларни ёзиб қўйишга қарор қилишди.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Камолиддин Беҳзод таваллудининг 650 йиллигига

ИККИНЧИ МОНИЙ

Замондошлари Камолиддин Беҳзодни буюк мусаввир Монийга қиёслаган эдилар

Камолиддин Беҳзод салкам юз йиллик умрини, юксак истеъдодини, бутун борлиғини тасвирий санъатга бағишлаган, "Моний соний" (иккинчи Моний) номи билан жаҳонга машҳур бўлган буюк мусаввир эди. У тасвирий санъатнинг миниатюра жанрида ўзи кашф қилган бир-бирига уйғун қоидаларни, тафаккуру ҳиссиётни бир нуқтага жамлаб композицион ички ечимнинг муносиблиги асосида ижод қилди.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий Камолиддин Беҳзоднинг ижод намуналарида илоҳий истеъдод қирраларини кўради, ундан кўмагини аямайди.

Беҳзоднинг ижоди тасвирий санъатдаги бепоёнликни, табиий тартиб-қонунларни ҳарорат ила ранглар нафосатида жамлаш, уни чизиқлар тартибига сингдириб, улуғ тасвир поёнига олиб чиққанлиги билан эътиборлидир.

Беҳзод қалами билан жаҳон тасвирий санъати улуғ бир янгиланиш сари қадам қўйган эди. Чунки у Шарқ маданияти миниатюра соҳасида қаламчизги санъатини юксак поғонага олиб чиқа олган ижодкордир. Унинг композициялари шу даражада мукаммал ва ранг-чизгилар уйғунлиги тенгсизки, унда бирор ортиқча хусусият, ҳатто бир чизиқнинг ноўрин қўйилганини кўрмаймиз. Ҳаммаси яхлит, мусаввир фикрини юзага чиқаришга сафарбар этилган ҳолатда ўз ифодасини топади. Рассомнинг буюклиги ҳам аслида шунда. "Занжирбанд шер", "Самарқанддаги мачит қурилиши", "Доро ва чўпонлар" каби композицияларида тасвирни сеҳргарона енгил ифода этганлиги асарнинг табиийлигини таъминлаган.

Мусаввирнинг ниҳоятда камтар, камсуқум табиати яратган образларида сезилиб туради. Беҳзод яратган сиймоларининг руҳиятига кириб, ўз қалбидаги туйғуларини қаҳрамонлари орқали ифода эта олган. Унинг асарларида оддий одамлар, ўз меҳнати билан дунё ташвишларини елкасида кўтариб келаётган содда, беғубор инсонлар образи ёрқин кўринади. Уларга нисбатан ижодкорнинг эҳтироми тезда кўзга ташланади.

Камолиддин Беҳзоднинг Мовороуннаҳр ва Шарқ оламида кўзга кўринган шахслар Навоий, Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхонларнинг портретларини натуранинг ўзидан асл кўринишда — кийиниши, бўй-басти, салобати билан тасвирлашининг ўзи унинг катта бир салоҳият эгаси эканлигидан далолат беради. Унинг истеъдоди туфайли буюк сиймоларимиз бизнинг кўз олдимизда гавдаланади. Адабий қўлёзмалар тасвирлар билан қоришиб, ўқувчининг тафаккурини шакллантиради.

Саъдий, Навоий, Низомий, Жомий, Деҳлавий ва бошқа адиблар яратган асарларга ишланган иллюстрациялар мусаввир яшаб ижод қилган муҳитни, юз берган воқеалар тафсилотини тасвирларда жонлантириб, бутун бир давр руҳиятини қалам орқали очиб бериши рассомнинг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси чексизлигини кўрсатади.

Камолиддин Беҳзод ўзидан олдинги ва ўзидан кейинги яратилган Шарқ миниатюра санъатидаги мактаблар, услублар, изланишлар руҳини муайян қонун-қоидаги тушириб, тартибга солди. Ўз ижоди билан Шарқ миниатюра санъатининг тизимини ишлаб чиқди. Беҳзод ижодининг моҳияти ҳам мана шунда.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ



Тарих тилсими

ЖОНБОСҚАЛЪА...

Қалъа деганда биз мудофаа мақсадида қурилган, стратегик жиҳатдан қулай ва мустаҳкам таянч жойини тушунамиз. Тарихий манбаларда кўрсатилишича, қалъанинг дастлабки кўринишлари ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган. Бундай қалъаларнинг атрофи пахса, хом ғишт, тош ва бошқа қурилиш материалларидан мустаҳкам қилиб тикланган ва деворлар билан ўралган турар-жойлардан иборат бўлган. Қалъа деворининг атрофида чуқур ҳандак ковланиб, сув билан тўлдирилган.

Жонбосқалъа милоддан аввалги IV аср ва милодий II асрда қадимги Хоразм воҳасини мудофа қилиш мақсадида қурилган мустаҳкам истеҳкомдир. Бу қадимий қалъа Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл туманидаги Султон Увайс тоғи жануби-шарқида жойлашган. Ушбу қалъа узунлиги 200 метр, эни 170 метр катталиқдаги тўртбурчак шаклида бўлиб, қалъа атрофи баландлиги 10-11 метр, кенглиги 11,30 метрлик қалин ва икки қатор деворлар билан ўраб олинган. Қалъа деворлари асосан пахса ва хом ғиштдан тикланган бўлиб, пастдан юқорига қараб ингичкалашиб боради. Деворнинг биринчи қаторида ҳар бир метр ораликда нишон туйнуклари, яъни ўқ отадиган тешиклар бўлган, қалъада бундай ўқ отар тешикларнинг сони икки минг аскарга мўлжалланган. Бу ўз навбатида 400 хонали қалъа учун белгиланган бўлиши ҳам мумкин. Жонбосқалъасининг дарвозахонаси шимол томондан мураккаб иншоот тарзида қурилган. Бундан ташқари дарвозахона томонга қаратиб иккита мудофаа буржи ўрнатилган. Қалъанинг қоқ марказидан кенглиги 30 метрли кўча кесиб ўтган ва у истеҳком тўрида жойлашган, олди майдонча, атрофлари бир қанча кўшимча хоналар билан туташ марказий бино — оташпарастлар ибодатхонаси билан боғланган. Тўғри ўтган кўчанинг икки четида 150-200 тадан ортиқ хона бўлиб, унда қабилалар яшаганлар. Қалъанинг энг тўрида чамаси 30 метрча майдонни эгаллаган ва баландлиги 4,5 метр келадиган тепаликда жойлашган салобатли иншоот қад кўтариб турган. Хоналарнинг айримлари оташпарастларнинг ибодатхонаси — оловхона вазифасини бажарган. Хона марказида муқаддас олов ёқиладиган махсус жой бўлган ва унинг атрофида йирик хомғиштлардан терилган ўтирғич — супалар ўрнатилган. Қалъа ичида 400 га яқин уй ва кичик ҳовлилар, сопол идишлар тайёрланадиган устахоналар, хумдонлар, меҳнат ва ов қуроллари ясаладиган устахоналар ва бошқалар жойлашган. Шунингдек, қалъада ҳоким турадиган катта бино ҳам бўлган.

Умуман олганда, қадимий Жонбосқалъа ўзининг қурилиш шакли, услуби, безаги, мудофаа тизими ва иморатлари билан Ўрта Осиё кўҳна шаҳарсозлигининг умумий хусусиятларига эга. Жонбосқалъадаги бинолар, турли иншоотлар ўша давр бинокор усталари томонидан мустаҳкам қурилганлиги учун ҳам узоқ давларга бардош бериб келган. Жонбосқалъа ўз замонасида такомиллашган суғориш иншоотларига ҳам эга бўлган ва ҳаёт бу ерда куну тун қайнаган. Бироқ турли сабабларга кўра қалъа милодий II асрга келиб аста-секин харобага айлана борган, тупроқ остида қолган ва асрлар давомида олимлар назаридан четда бўлган.

Жонбосқалъа харобалари 1938-38-йилларда С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм археология-этнография илмий ташкилоти томонидан ўрганилди. Қалъадевор қолдиқлари, уй-жойлар, суғориш иншоотлари, ҳунармандчилик устахоналари, меҳнат ва ов қуроллари, сопол буюм синиқлари, аёлларнинг турли тақинчоқлари, турли ҳунармандчилик буюмлари топилган. Топилмаларнинг энг кўпини кулолчилик чархида оёқ билан айлантириб ишланган сопол буюмлар ташкил этади. Сопол идишлар нозик, юпқа, чертса жаранглайди. Бу буюмлар ясалганига икки минг йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да анча сифатли бўлиб, идишлар сирти қизил ангоб ёки зангори-оқ ангоб билан бир текисда бўялган. Улар сув ташийдиган каттакичик кўза, хум, узун тагли қадаҳ, коса, қозон ва бошқалардан иборат.

Топилмалар қалъада ҳунармандчилик ривожланганини кўрсатади. Турли рангдаги катта-кичик маржон-мунчоқлар ичида Сурия, Миср, шимолий Қора денгизбўйи шаҳарларидан келтирилган буюмларнинг учраши Хоразмда хорижий мамлакатлар билан савдо алоқаси ўша даврда яхши йўлга қўйилганини кўрсатади.

Қалъа аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик, овчилик, балиқчилик, ҳунармандчилик ва савдо билан шуғулланганлар.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

"Пахтакор" келажаги ҳақида ўйлар

"ҒАЛАБА — ХОТИРЖАМЛИК УЧУН САБАБ ЭМАС!"

Яқинда Киевда ўтган халқаро футбол турнирида муваффақиятли иштирок этган 12 ёшли "Пахтакор"чиларнинг шиори шундай

"Пахтакор" юртимизда энг етакчи футбол клубларидан. Бу клубда айни кунда юзлаб умидли ёш футболчилар тажрибали ва талабчан мураббийлар қўли остида шуғулланмоқда. Яқинда "Пахтакор"нинг 12 ёшли футболчилари Украина пойтахти Киевда ўтказилган "Оболонь—2005" анъанавий халқаро футбол мусобақасида иштирок этиб, совринди 2-ўринни қўлга киритиб қайтишди. Команда мураббийси Дмитрий Макарович КИМ билан бўлган суҳбатимиз ёш футболчиларимизнинг ушбу сафари, умуман машғулотларнинг бориши ва команданинг келажакдаги режалари ҳақида кечди.

— Киевда ўтган мусобақаларнинг ташкилотчилари, қатнашчилари ва умуман мусобақалар қандай кечгани ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Бу мусобақалар анъанавий бўлиб, 1991, 1993, 1997 йилларда туғилган ёш футболчилар учун ташкил этилди. Бу сафарги мусобақаларда мезбонлардан ташқари Грузия, Молдавия ва Россиядан келган ёш футболчилар иштирок этишди. Ўрта Осиё ҳудудидан эса биз таклиф этилдик. 12 ёшлилар ўртасидаги баҳслар икки гурухда кечди. Ўз гуруҳимизда "Еднисть" (Киев) жамоасини 8:1, "Оболонь-1" жамоасини 3:0, "Оболонь-2" жамоасини 2:1, "Олимп" (Иванов-Франковск) жамоасини 6:1, "Локомотив" (Кировоград) жамоасини 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалда Киевнинг ДЮСШ-15 командаси билан беллашдик. Бу жамоа Украина чемпионати ғолиби экан. Беллашув киевликлар фойдасига 2:1 ҳисобида ҳал бўлди. Натижада "Пахтакор" мусобақада фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Ўйинимизни кузатган мураббийлар, спорт мутахассислари "Пахтакор"чиларнинг ўйин техникаси ва комбинацион ўйинда ҳаммадан устун эканликларини тан олишди, ҳатто бундан яхши маънода ҳайратланишди ҳам. "Пахтакор"чилардан бир ёш катта, яъни 13 ёшли ўсмирлардан тузилган "Чайка" (Киев) жамоаси билан ҳам ўртоқлик учрашуви ўтказдик. Киевликлар 1:1 ҳисоб билан дурангга кўнишди.

Киевга сафаримиз харажатларини клубимиз тўлади, бунинг учун "Пахтакор" Футбол клуби бош директори Самвель Вячеславович Бабаяндан жуда миннатдормиз. Шунингдек, бизни ҳомийлик ёрдами билан қўллаб-қувватлаган Сурхондарё вилояти Денов туманидаги "Денов дурдоналари" ишлаб чиқариш корхонасига ва унинг раҳбари У.Абдувоитовга ҳам ташаккур айтамиз.

— Бу — жамоанинг бундай катта миқёсдаги мусобақадаги илк иштирокими?

— Жамоамиз ўтган йили Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида ҳамдўстлик мамлакатлари жамоалари иштирокида ўтган мусобақаларда муносиб қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллаганди. Айни кунларда Тошкент шаҳри биринчилиги учун баҳслар давом этмоқда, пойтахтнинг ўтган йилги ғолиби сифатида бу йил ҳам ғолиблик шоҳсупасидаги ўрнимизни сақлаб қолишга ҳаракат қиляпмиз. Келаси йилда яна Киевда, 13 ёшлилар ўртасида машҳур дарвозабон Банников хотирасига бағишланган футбол турнирида қатнашиш ниятимиз бор.

— Мутахассис сифатида айтинг-чи, боланинг футболга иқтидори бор-йўқлигини аниқлашда нималарга асосланасиз? Чунки ўсмир болалар орасида футбол ўйнашни ҳохламагани деярли йўқ. Лекин улар орасидан ҳақиқий иқтидорлисини танлаш қийин...

— Боланинг иқтидорини билиш учун вақт керак, у билан ишлаш керак. Бу ёшда бола келажакда футболчи бўладими, йўқми аниқ айтиш маҳол. Чунки уларнинг жисмонан, маънан шаклланиши учун йиллар керак. Бир неча йилдан сўнг бугунги ўсмирнинг дунёқараши, жисмоний имкониятлари ҳозиргидан тамоман ўзгача бўлиши аниқ. Мен уларнинг ҳозир ўқувчи эканлигини, аввало чуқур билим олиш муҳимлигини доимо уқтираман, аъло баҳоларга ўқишларини ҳатто талаб қиламан. Жамоадаги ҳар бир бола келажакда албатта футболчи бўлади, деб кафолат беролмайману, лекин айни кунда уларнинг орасида футбол билан шунчаки шуғулланаётганлари йўқ. Ҳар бирининг мақсади — келажакда моҳир футболчи бўлиш. Футбол шунчаки ўйин эмас, аввало бу — меҳнат, жамоавий меҳнат. Буни улар яхши тушунишади. Ёш футболчи ҳар куни ўзи учун бирон янги нарсани кашф қилиши, ўрганиши, ҳар бир техник усулни мукаммал ўзлаштирмагунча қайта-қайта такрорлаши шарт!

— Юқоридаги каби муваффақиятлардан сўнг жамоанинг кайфияти қандай?

— Спортнинг исталган турида, жумладан, футболда ҳам шундай: ҳатто жаҳон миқёсидаги ғалаба ҳам спортчининг хотиржам бўлиши учун сабаб бўлолмайди. Аксинча, ҳар бир муваффақият, ғалабадан сўнг спортчи аввалгидан-да кўпроқ ишлашга, шуғулланишга мажбур. Акс ҳолда навбатдаги беллашув уни шоҳсупадан анча узоқлаштириши ҳеч гапмас. Болалар ғалаба қай даражада тотли бўлишини анча тушуниб қолишган, мағлуб бўлмаслик учун эса шуғулланиш керак. Меҳнатсеварлик жамоамиз болаларига хос. Бугун жамоа шаънини жон-жаҳди билан ҳимоя қилаётган бола улғайгач, қайси касб соҳиби бўлишидан қатъий назар, албатта юрт, Ватан шаъни ҳимоясига ҳам шай бўлади.

Энг муҳими, бундай мусобақалар болаларда курашувчанлик, интилувчанлик каби фазилатларни тарбиялайди.

Мавлуда ҚОСИМОВА суҳбатлашди.

СУРАТДА: ***сафардан медаллар билан қайтган ёш "Пахтакор"чилар ўз тренери Д.М.Ким билан Тошкент аэропортида.***

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Шу кунларда юзага келадиган воқеалар турмуш ўртоғингиз сиз учун энг яхши маслаҳатчи эканлигини исботлайди.

СИГИР(22.04-20.05)
Лавозимингиз юксалишини истасангиз, энг аввало, сабрли ва интизомли бўлинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Дўстлар билан ҳамкорлик қилмаганингиз маъқул. Шундай ҳолат юзага келган пайтда улар билан муносабатда жиддийроқ бўлинг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Мақсад ва режаларингизни амалга оширишда ўзингизга талабчанроқ бўлинг. Шундагина кўзланган мақсадга эришишингиз мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Кўпгина танишувлар натижасида сиз учун муҳим бўлган маълумотлар ёки қизиқарли таклифларга эга бўлишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Ҳафта давомида "катта" ишларга қўл уриш имкониятингиз пайдо бўлиши мумкин. Таваккал қилишингизга тўғри келади.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Оилавий муаммоларнинг қай йўсинда ҳал этилиши сизга боғлиқ. Уларга эътиборлироқ бўлишингиз керак.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Айнан ушбу ҳафта давомидаги яширин, ножўя ҳаракатларингиз салбий оқибатларга олиб келишидан эҳтиёт бўлинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда мириқиб дам олсангиз кейинги ишлар ривожига ва дўстлар билан муносатнинг яхшиланишига эришасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Шу кунларда асосий эътиборни оила аъзоларингизнинг муаммоларига қаратганингиз маъқул.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Айни кунларда яқинларингизга қизиқарли маълумот етказишингизга тўғри келади. Уни яхшилаб текшириб кўришни унутманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Ҳафта давомида таваккалга йўл қўймаслик кўпгина майда нохушликларнинг олдини олади. Дам олиш кунларини дўстлар билан ўтказинг.

Огоҳликка даъват

Тошкент вилояти

ФИТНА — ОҒИР ЖИНОЯТ

Инсон яралибдики, яшаш учун курашади, турмушининг осудалиги, юрти, уйи, оиласи хавфсизлиги учун қайғуради. Айниқса, бугунги кунда теварак-атрофимизда бўлаётган турли қўпорувчилик ҳаракатлари барчамизни ҳар қачонгидан кўра кўпроқ ҳушёрликка, огоҳликка чорлаётир. Шу мақсадда вилоят ИИБ ходимлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида кенг жамоатчилик вакиллари, ҳудуддаги корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилари, посбонлари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиялари раислари, таълим масканлари ходимлари, фермерлар ва тадбиркорлар иштирокида "Огоҳликка даъват" мавзусида учрашувлар ўтказмоқда.

Яқинда шундай учрашув Бўка туманида бўлиб ўтди. Йиғилишда туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Ф.Жониқулов сўзга чиқиб, туманда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборот берар экан, 13 май куни Андижонда содир этилган қўпорувчилик ҳаракатлари бутун Ўзбекистон халқи қалбида нафрат ва ғазаб уйғотганлигини таъкидлади.

Сўзга чиққанлар маҳаллаларнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини янада жонлантириш, уларнинг профилактик инспекторлари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорлигини кучайтириш орқали аҳоли, айниқса ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, уларни диний экстремизм ва фанатизм таъсиридан сақлашга эришиш мумкинлигини айтишди. Шу билан бирга ичкиликбозлик, таксикомания ва гиёҳвандликка ружу қўйганларни, фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналарни аниқлаш ва зурур чораларни кўриш хусусида фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Бу борада яхши натижаларга эришишда маҳалланинг ўрни ва ҳиссаси катта, — деди йиғилишда "Маҳалла" жамғармаси Бўка тумани бўлинмаси раиси Т.Ҳамроқулов.

Айни кунларда бу мавзудаги тадбирлар вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида ўтказилаяпти.

Шерали АНВАРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ Матбуот гуруҳи катта инспектори, катта лейтенант.

Алимов Бахром Абидович намерен приобрести акции ОАО "SANTEXNIKA JIHOZLARI" (г.Ташкент ул. Джаркурганская, 22) акции простые и привилегированные в размере 102000 штук — 20 % от УФ.

Утерянный диплом 072236 выданный в 2004 г. в Ташкентском профессиональном колледже по туризму на имя Меркуловой Татьяны Сергеевны **считать недействительным.**

Ф.Энгельс номидаги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институти (ҳозирда ЎзДЖТУ) томонидан 1991 йилда Қўлдошева Гулчеҳрахон Алижоновна номига берилган УВ-1 076023 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди КУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7008 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-724 Топширилди —
1 2 3 4 5